

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“Экологик таълим ва тарбия”  
модули бўйича  
ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: Тошкент давлат транспорт университети, “Транспорт энергетик қурилмалари” кафедраси профессори, ф.ф.д., Ю.Шодиметов.

Такризчилар: Тошкент давлат транспорт университети, “Транспорт энергетик қурилмалари” кафедраси профессори, т.ф.д. Б.Базаров.  
Тошкент давлат транспорт университети  
“Электротехника” кафедраси доценти А.Ахмедов.

*Ўқув -услугий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги №3-сонли баённомаси)*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>10</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАНБУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>13</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАНБУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>51</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>57</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>60</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма,

малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларининг экологик таълим ва тарбия масалалари, ҳамда инновацион технологиялар ва экологик инновациялар бўйича, хорижда ва мамлакатимизда тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалда қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

#### **Модулнинг вазифалари:**

- тингловчиларга “Экологик таълим ва тарбия” масалалари бўйича концептуал асослар, мазмуни, таркиби ва асосий муаммолари бўйича маълумотлар бериш ҳамда уларни мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш;

- “Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Модулни ўзлаштириш жараёнида тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- таълим-тарбия масалаларини ечиш;

- ўз устида ишлаш, фаннинг янги тадқиқотларини ўқитиш тизимини қўллаш;

- эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характерини ўзгартира олиш;

- турли миқёсда барқарор ривожланиш жараёнларини *билиши* керак.

барқарор тараққиёт учун таълимни экологик таълим жараёнига интеграциялаш;



- ёшларда табиатга экологик тўғри муносабатда бўлиш технологияларидан фойдаланиш ва экологик маданиятни шакллантириш;
- илмий-ижодий фаоллик билдириш ва янги ғоялар асосида мақолалар ёзиш;
- замонавий педагогик технологиялардан мавзуларга мос равишда ўқув машғулотларини олиб бориш;
- экология фанлари соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;
- экология фанларини мактаб, лицей ва профессионал таълим муассасаларида ўқитишни ташкил этишнинг ўзига хос томонлари билан таништириб билиш;
- тегишли йўналиш бўйича интернет, ахборот ва компьютер технологияларини ўзлаштириш;
- хорижий тилларда экологик таълим тарбия фанини ривожланиш борасида сўзлашиш ва ёзишни билиш;
- ҳар бир мавзуга доир инновацион ўқитиш методларини танлаш ва уни амалда қўллаш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.
- мустақил равишда дарсларни ишлаб чиқиш;
- экологиянинг хорижий ва республика миқёсидаги долзарб муаммолари, ечимлари, тенденциялари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- илғор фан-техника янгиликлари билан танишиб бориш;
- замонавий ахборот-технологияларида ишлаш;
- экология фанининг устувор йўналишларини фарқлай олиш;
- ўқитиш жараёнида илм-фан ютуқлари, янги усуллар ва ускуналардан фойдаланиш ҳамда илғор инновацион технологияларни қўллаш;
- хорижий ва республика илмий журналларида мақолалар чоп эттириш, илмий анжуманлар ва семинарларда маърузалар билан иштирок этиш;
- экологияни кенг миқёсда ташвиқот ва тарғибот қилиш;
- лойиҳаларни тайёрлаш, ўқув адабиётларини яратиш *малакаларига* эга бўлиши лозим.
- таълим-тарбия масалаларини ечиш;
- ўз устида ишлаш, фаннинг янги тадқиқотларини ўқитиш тизимини қўллаш;
- аниматорлар билан ишлаш ва видео дарсларни тайёрлаш;
- эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характерини ўзгартириб олиш;

- экология фанлари соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;
- илғор фан-техника янгиликлари билан танишиб бориш;
- замонавий ахборот-технологияларида ишлаш;
- экология фанлари соҳасида ўқув дастурлар, қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлаш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Экологик таълим ва тарбия” модули маъруза ва амалий (семинар) машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Экологик таълим ва тарбия” модули мазмуни ўқув режадаги “Ландшафт, қурилиш ва саноат экологияси”, “Атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш”, “Биоресурсларни сақлаш ва қайта тиклаш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таълим жараёнида экологик таълим ва тарбия соҳасида, инновацион технологиялар ва экологик новациялардан фойдаланиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнида экологик таълим ва тарбия соҳасида экологик новациялар ва информацион-коммуникацион технологиялар тизимларидан фойдаланиш ва амалда қўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория ўқув юклариси		
		Жами	жумладан	
			Назарий	Амай машғулот
1.	Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг инновацион усулларини экологик таълим жараёнида ёритиб бериш.	2	2	4
2.	Барқарор тараққиёт учун таълимни экологик таълим жараёнига интеграциялашни ЮНЕСКО стратегияси асосида амалга ошириш.	2	2	4
3.	Экологик таълим методологияси ва тамойиллари.	2	2	2
4.	Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини экологик таълим жараёнида ёритиб бериш. Юксак маънавиятли шахс тарбияси: муаммо ва ечим.	2	2	2
<b>Жами: 20 соат</b>		<b>20</b>	<b>8</b>	<b>12</b>

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу: Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг инновацион усулларини экологик таълим жараёнида ёритиб бериш.**

1. Экологик инновациялар ҳақида умумий тушунча.
2. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишда инновацион технологиялар ва экологик новациялардан фойдаланиш.
3. “Яшил” технологиялар ва экологик таълим.
4. Экотизимларни барқарорлигини сақлашда инновацион экологик таълимни ўрни.

**2-мавзу: Барқарор тараққиёт учун таълимни экологик таълим жараёнига интеграциялашни ЮНЕСКО стратегияси асосида амалга ошириш.**

1. Барқарор тараққиёти учун таълим.
2. Экологик таълим. Экологик тарбия. Экологик дунёқараш. Экологик



маданият. Экологик қадриятлар. Экологик тарғибот.

3. Экологик тарбиянинг асосий вазифалари.

### **3-мавзу: Экологик таълим методологияси ва тамойиллари.**

1. Экологик таълимнинг методологик асослари.
2. Экологик таълимнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари.
3. Назарий-методологик йўналиш.
4. Фаншунослик ва техник –технологик йўналиш.

### **4-мавзу. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини экологик таълим жараёнида ёритиб бериш.**

1. Экологик ҳуқуқ –экологик таълимни ўрганиш объекти сифатида.
2. Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги ва экологик таълим.
3. Аҳолининг экологик –ҳуқуқий маданиятини шаклланиши. Юқсак маънавиятли шахс тарбияси: муаммо ва ечим

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот.** Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг инновацион усуллари экологик таълим жараёнида ёритиб бериш амалёти (4 соат).

**2-амалий машғулот.** Барқарор тараққиёт учун таълимни экологик таълим жараёнига интеграциялашни ЮНЕСКО стратегияси асосида амалга ошириш бўйича семинар (4-соат).

**3-амалий машғулот.** Экологик таълим методологияси ва тамойиллари, Юқсак маънавиятли шахс тарбияси: муаммо ва ечим масалалари бўйича давра суҳбати (2-соат).

**4-амалий машғулот.** Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини экологик таълим жараёнида ёритиб бериш бўйича семинар (2-соат).

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шакллари фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Кейс-стади” методи

“Кейс-стади”— инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

## “Ассисмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



#### Тест

Янгилик — бу:

- A) Хабар
- B) Маълумот
- C) Далил
- D) Об-ҳаво маълумоти



#### Қиёсий таҳлил

Ўзбекистон рақамли телевидениеси ва анъанавий телевидениени қиёсий таҳлил қилинг.



#### Тушунча таҳлили

Янгиликларни изоҳланг...



#### Амалий кўникма

“O'zbekiston” телеканали информацион дастурларида янгиликлар фоизини аниқланг

## Венн Диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали фойдаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доираларнинг кесишган қисмига ёзадилар.



### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.

**1-мавзу: Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг инновацион усуллари экологик таълим жараёнида ёритиб бериш.**

#### **РЕЖА:**

- 1.1. Экологик инновациялар ҳақида умумий тушунча.
- 1.2. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишда инновацион технологиялар ва экологик новациялардан фойдаланиш.
- 1.3. “Яшил” технологиялар ва экологик таълим.
- 1.4. Экотизимларни барқарорлигини сақлашда инновацион экологик таълимнинг ўрни.

*Таянч иборалар. Экологик хавфсизлик. Экологик инновациялар, Деструктив ёндашувлар, Глобал экологик фалокат, "Яшил ўсиш", Экотизимлар.*

#### **1.1. Экологик инновациялар ҳақида умумий тушунча.**

Янги минг йиллик бошланиши билан инсоният янги таҳдидларга дуч келди. Бунга иқлим ўзгариши, ҳавонинг ифлосланиши, тупроқнинг деградацияси, биологик хилма-хилликнинг какмайиши ва бошқалар киради. Бундай шароитда одамлар ўзларининг экологик хавфсизлиги тўғрисида тобора кўпроқ ўйлашни бошладилар.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу концепция инсон, жамият ва табиатнинг ўзаро таъсир доирасига тегишли бўлган ҳамма нарсани англатади - табиий экотизимларнинг сақланиши ва барқарорлигини, умуман инсон ҳаёти ва биота учун қулай шароитни.

Дунёда иқтисодий фаолиятга антиэкологик, деструктив ёндашувларни инновацион технологиялар ва экологик новациялар билан алмаштириш тенденцияси мавжуд. Экологияда инновациялар бу - атроф-муҳитни салбий экологик омиллар таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган лойиҳалар ва



дастурлар, шунингдек, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг илғор технологияларидир.

Экологик инновациялар - бу иқтисодиёт ва экологияни биргаликда ривожлантириш доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва фуқаролар ўртасида экологик кадриятларни шакллантириш соҳасидаги технологик ва ижтимоий янгиликлардир.

Экологик инновацияларга ресурсларни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш, экологик тоза маҳсулотлар яратиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги усуллари, масалан, атроф-муҳитни бошқариш (экологик менежмент), экологик маркетинг ва бошқаларни киритиш мумкин. Атроф-муҳитни бошқаришда инновацияларни қўллашнинг натижаси - иқтисодий, экологик, ижтимоий ва бошқа эффектлардир.

Экологиядаги асосий инновациялар технологияларни, чиқиндиларни қайта ишлаш усуллари ва ифлосланишни камайтирадиган технологияларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Бундай ечимлар қурилиш, энергетика, транспорт ва логистика, шунингдек сув ресурсларини бошқариш соҳасида катта талабга эга. Экологик инновация - келиб чиқиши мумкин бўлган глобал экологик фалокатга тўқнаш келганда жуда зарурдир.

Кўпгина мамлакатларда техноген иқтисодиётнинг ривожланиши табиий мувозанатларнинг йўқ қилинишига ва инсон ва унинг атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси тўғрисида" ги фармонида мувофиқ, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар «Чиқиндилар тўғрисида» янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин лойиҳасини янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилган эди.

### **Мазкур лойиха.**

- бешта хавф-хатар тоифаси тизими ўрнига саноат тармоқлари ва/ёки кимё-физик параметрлар асосида чиқиндиларни таснифлаш тизимини жорий этиш;
- ишлаб чиқаришда чиқитсиз ва кам чиқитли технологияларни, шунингдек, кончилик ва қайта ишлаш корхоналари чиқиндиларини қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни иқтисодий рағбатлантириш;
- саноат объектларида хавфли чиқиндиларни экологик хавфсиз сақлашни ташкил этишни таъминлаш;
- ўзининг истеъмол хусусиятларини йўқотган ва таркибида хавфли моддалар мавжуд бўлган товарларни (симобли термометрлар, батарейкалар, таркибида симоб мавжуд лампалар ва бошқалар) йиғиш, фойдаланиш ва/ёки зарарсизлантириш тизимини ташкил этиш;
- тиббиёт чиқиндиларини йиғиш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва кўмиб ташлаш тизимини ташкил этишни назарда тутати.

Ушбу соҳаларнинг барчаси экологик муаммоларни ҳал қилишда инновацион ёндашувни талаб қилади.

Шу муносабат билан экологик инновациялар, бошқариш ва иқтисодиётга "яшил" технологияларни татбиқ этиш нуқтаи назаридан етакчи ўринни эгаллаб турган Япониянинг таҳлиллари ва тажрибаси Ўзбекистон учун ҳам фойдали бўлиши мумкин. Япония ҳукуматининг расмий ҳужжатларида «экологик инновациялар», асосий мавзу еки ғоя сифатида доимо намоён бўлиб туради дейиш мумкин. Япониянинг ютуқлари ушбу мамлакат илмий-тадқиқотларни, амалий-конструкторлик ва технологик ривожланишни (НИОКР), патентлар сонини ва экспортдаги юқори технологик маҳсулотларнинг улушини молиялаштириш бўйича дунё етакчиларидан бири эканлиги билан изоҳланади.

Япониянинг илмий-тадқиқот ишларида экологик технологиялар муҳим

роль ўйнайди. Мамлакатни 2020 йилгача ривожлантириш йўналишини белгилайдиган Япониянинг асосий тараққиёт стратегияси (TheNewGrowthStrategy, Japan, 2010 г.), экологик тоза инновацияларни Япониянинг энг фаол ривожланаётган йўналишларидан бири ва мамлакатнинг ривожланиш соҳаларининг етти та стратегик йўналишларидан бири сифатида таснифлайди..

Бугун Жанубий Кореяда иқтисодий экологиялаштиришнинг интенсив жараёнлари бўлиб ўтмоқда, бу БМТнинг 2013 йилдаги маълумотларига кўра 186 мамлакат рейтингда турмуш даражаси бўйича 12-ўринни эгаллаб турибди. Сеул расман "Яшил ўсиш" ни асосий давлат стратегик мақсади деб эълон қилди, бу замонавий экологик тоза ва энергия тежайдиган инновацияларни қўллаш орқали иқтисодий ўсишни англади.

## **1.2. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишда инновацион технологиялар ва экологик новациялардан фойдаланиш.**

Экологик инновацион саноатни ривожлантириш ёки яратиш, интеллектуал мулк ва инновацион технологияларни тижоратлаштириш бўйича қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида инсон капиталини кўпайтириш учун, айниқса, ўта хавфли онкологик касалликларнинг олдини олиш учун экологик прогрессив тамойилларни бирлаштириш назарда тутилган.

Инновацион технологияларни тижоратлаштириш учун турли томонларнинг: ишлаб чиқариш сектори, фундаментал ва амалий илм-фан, бизнес вакиллари, маҳаллий ҳокимият органлари, миллий ҳукумат вакиллари, нотижорат ташкилотлари, университетлар, кичик инновацион корхоналар (КИК), соғлиқни сақлаш диагностика марказлари, инновацион технологияларни ривожлантириш учун жавобгарлик марказлари, патент фанлари, лицензиялаш, инновацион технологияларга бўлган мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа томонларнинг ҳамкорлигини талаб этади.

**"Инновациялар** - бу бозорга киритилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалда қўлланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён ёки ижтимоий хизматларга янги ёки ёндашув шаклида мужассам бўлган инвестиция фаолиятининг якуний натижасидир

Ижтимоий-экологик-иқтисодий ривожланишнинг инновацион усули (шаҳарлашган ҳудудларнинг экологик муаммоларини ҳал қилиш усули сифатида бутун қайта ишлаб чиқарилган жараённи такомиллаштириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади (истикболли, стратегик мақсад). **Элементлар бўйича унга қуйидагилар киради:**

- технологиядаги инновациялар (ресурсларни тежаш ва кам чиқиндилар);
- қўшни ҳудудларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда минтақада табиатдан фойдаланишни ташкил этишга, юрисдикция субъектларини чегаралаш жиҳатидан иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга инновациялар, табиатнинг умумий объектларидан ва табиий ресурсларидан фойдаланишда жавобгарлик;
- аҳолига экологик таълим ва тарбия бериш тизимини такомиллаштириш ва шу асосда экологик ва технологик маданиятни ошириш, технологик, ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш;
- унинг заҳираларини амалга ошириш орқали табиатдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада оширишга мўлжалланган экологик тадбиркорликни ривожлантириш;
- минерал ўғитлар ва зараркунандаларга қарши воситалардан узоқ муддат фойдаланиш натижасида кимёвий ифлосланган қишлоқ хўжалиги ерларини тиклаш.

Экологик инновацияларнинг мақсади экотизимга антропоген таъсирини камайтиришдир. Бугунги кунга келиб экологик муаммони ҳал қилишнинг иккита асосий ёндашуви шакллантирилди.Биринчи ёндашув экологик

янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали экологик муаммоларни ҳал қилиш мумкинлигига асосланади

Й. Яковец бу фикрни қуйидагича асослаб берди: "Инсоният унинг мавжудлиги ва ривожланишининг табиий шарт-шароитлари жуда оз даражада ўзгариши мумкинлигини ҳисобга олиб, демографик динамиканинг тенденциялари секин ўзгариб боради, бу инсон ақл-идрокига, иродасига ва меҳнатига бўйсунадиган асосий ресурсдир. Бу технологик ютуқ, ишлаб чиқаришнинг экологиялаштирилган постиндустриал технологик услубига ўтиш.

Инновацияларни таснифлаш муаммоси билан жуда кўп олимлар шуғулланган, уларнинг энг машҳурлари: Ю.В. Яковец, Павит ва Уокер, А.И. Пригожин, Г. Менш, А. Клайнкхт, К. Фриман ва бошқалар.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, инновациялар энг умумий кўринишида иқтисодий хусусиятларига, қўлланилиш доирасига, муддатларига, самарадорлигига, келиб чиқиш манбаларига, янгилик турларига ва бошқаларга қараб таснифланиши мумкин.

Таснифлаш маълум бир турдаги инновацион маҳсулот ёки хизматнинг аҳамиятини аниқлаш, уларнинг аҳоли фаровонлигини оширишга, атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришга таъсири даражасини аниқлаш учун, шунингдек, қиёсий миқдорий ва инновацияларни сифатли баҳолаш учун керак.

**Узоқ муддатли экологик инновациялар** - бу уларни қоплаш муддати 10 йилдан кўпроқ вақтни эгаллайдиган асосан давлат томонидан молиялаштириладиган инновациялар, чунки улар стратегик характерга эга.

**Ўрта муддатли экологик инновациялар** йирик ва ўрта корхоналар базасида амалга оширилади, уларни қоплаш муддати 3 йилдан 10 йилгача.

Қисқа муддатли экологик янгиликлар кичик бизнес учун одатий ҳолдир, чунки уларни қоплаш муддати 3 йилдан ошмайди.

**Етакчи экологик инновациялар** - бу чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасидаги янгиликлар бўлиб, улар тўпланган чиқиндилар ҳажмини

сезиларли даражада камайтириши мумкин, яъни қайта ишлаш ҳажми янги ишлаб чиқариш чиқиндиларининг ҳажмидан ошиб кетади.

Чекловчи экологик инновацияларни амалга оширишда мавжуд чиқиндиларни қайта ишлаш асосий ишлаб чиқаришдан янги олинган чиқиндилар миқдоридан биров орқада қолмоқда.

**Қолоқ экологик инновациялар** - бу шундай экоинновациялар бўлиб, уларда асосий ишлаб чиқариш чиқиндиларининг ўсиш суръати ушбу турдаги чиқиндиларни қайта ишлаш даражасидан анча юқори.

### **1.3. “Яшил” технологиялар ва экологик таълим.**

Яшил технологиялар деганда атроф-муҳит учун қулай бўлган, истеъмол қилинадиган ресурслар даражасини пасайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган, одамлар фаровонлигини оширишга ва ижтимоий адолат, барқарорликни таъминлашга имкон берадиган ва шу билан бирга атроф-муҳит учун хавфларни ва унинг бузилиш истиқболларини сезиларли даражада камайтиридаган техник ечимлар тушунилади.

**Яшил иқтисодиёт** деганда инсон кадриятлари, жамиятни янги тизимини тушуниш керак. Бундай жамиятда инсонлар фақатгина бугунги кун билан яшамай, балки аждодлар тажрибаси ва тарихи асосида бой табиий ресурсларга таянган холда ўзи ва келажак авлод учун қулай, уйғун яшаш муҳитини ва давлатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий моделини яратадилар.

#### **Яшил технологияларнинг асосий хусусиятлари:**

- табиий ресурслардан самарали фойдаланиш,
- табиий капитални сақлаш ва кўпайтириш,
- атроф-муҳит ифлосланишини камайтириш,
- экотизимларни ва биологик хилма-хилликни сақлаш,
- аҳоли даромадлари ва бандлигини ошириш





Шуни таъкидлаш керакки, яшил технологияларни тарғиб қилиш минтақаларнинг барқарорлигига эришишни, шу жумладан унинг иқтисодий самарадорлиги орқали эришишни таъминлайди - бу омилларнинг барчаси аҳолининг ижтимоий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Яшил технологиялар объектив шартлар асосида вужудга келди: инсон фаолияти натижасида атроф-муҳит кескин ёмонлашди, айниқса мегаполислар ва саноат зоналари ҳудудлари таъсир кўрсатди.

Шундай қилиб, инновацион ёндашувга асосланган ва яшил технологиялардан фойдаланадиган самарали экологик тоза ишлаб чиқариш, иқтисодий жиҳатдан эски технологиялардан устун туради.

Яшил лойиҳалар учун тўловларнинг ўзини оқлаш даврининг қисқариши тадбиркорларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сармоя киритишни фаол равишда рағбатлантиради ва шу билан экологик талабларга жавоб берадиган янги иш ўринлари сонини кўпайтиради

"Яшил иқтисодиёт" да экологик таълим инновацион илмий ва амалий билимлар ва кўникмалар, шунингдек кадриятлар йўналишлари, хулқ-атвори ва фаолияти тизимини шакллантиришга қаратилган ўқитиш, тарбиялаш ва

шахсни ривожлантиришнинг узлуксиз жараёнини назарда тутди.

Яшил технологиялар ғояларини тарғиб қилиш жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида экологик таълимнинг муҳим вазифасидир.

"Яшил технология ва экологик таълим", "яшил таълим" тушунчаларини «экологик таълим» концепцияси доирасида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, бу умумий даражадаги тушунча бўлиб, моҳияти жиҳатидан ўхшашдир.

Шу билан бирга, "яшил технология ва экологик таълим" ва "яшил таълим" тушунчалари ўртасидаги фарқ биринчи навбатда яшил технологиялардан фойдаланишнинг экологик жиҳатларига биринчи концепциянинг ўзига хос мазмунига кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Масалан, "сув таълими" тушунчаси билан бир қаторда "сув-экологик таълим" ни икки хил мазмун, даражаларда кўриб чиқиш мумкин:

Биринчи даража сув ресурслари соҳасидаги умумий билимларни нафақат барча таълим муассасаларида, балки ҳаётнинг барча босқичларида таълимнинг барча турларидан фойдаланган ҳолда ўтказишдир.


Иккинчи даража - ихтисослаштирилган (профил) таълим муассасаларида сув мутахассисларини тайёрлаш.

#### **1.4. Экотизимларни барқарорлигини сақлашда инновацион экологик таълимнинг ўрни.**

Экологик таълим ва тарбияда экотизимлар ҳақида тушунча муҳим ўринни эгаллайди. Экология фанининг ўрганиш объекти бўлган экотизимларни билмасдан туриб экологик таълимга эга бўлиш тўлиқ бўлмайди.

**Экотизим— бу ўзаро хамкорликда яшовчи турли хил организмларнинг бир-бирлари билан, атроф муҳит билан бўлган муносабатларини, уларнинг яшаш шароитларини, модда алмашувини, трофик ҳолатини, энергия алмашувини ва функциясини ҳарактерловчи тизим ҳисобланади.**

Экотизимнинг барқарорлиги - бу экотизимларнинг атроф-муҳит омиллари ўзгариши остида ўз тузилишини ва нормал ишлашини сақлаб туриш қобилиятидир. Ушбу интеграция экотизимларнинг барқарорлигини таъминлашнинг тизимли механизмлари трофик занжирлар ёрдамида амалга ошириладиган моддалар айланишига асосланади.



### **Организмларнинг атроф-муҳит омилларининг ўзгаришига мослашиши.**

Ўзгарувчан муҳит шароитида организмларнинг барқарорлик кўрсаткичлари организмларнинг биотик ва абиотик омилларнинг ўзгаришига мослашиш қобилияти билан белгиланади. Адаптациялар - бу эволюцион равишда ривожланган ва ирсий (генетик жиҳатдан) организмларнинг атроф-муҳит омиллари ўзгариши остида нормал ҳаётини фаолиятини таъминлайдиган хусусиятлари. Турли хил турларнинг мослашувчан имкониятлари жуда хилма-хилдир. Масалан, қайин қуруқ ва нам тупроқларда ҳам яхши ўсади, қарағай эса фақат намлиги ўртача бўлган тупроқларда ўсади.

Организмларнинг юқорида айтиб ўтилган атроф-муҳит омилларининг ўзгаришига мослашиши маълум даражада улар таркибига кирадиган

экотизимларнинг атроф-муҳит омилларининг ўзгаришига барқарорлигини таъминлайди. Аммо, ҳар қандай мураккаб тизим сингари, экотизим, айрим турдаги организмлар билан таққослаганда, ўзгарувчан муҳитда ишлашнинг юқори даражадаги ишончилигига эга. Чунки экотизимларнинг маълум турларда бўлмаган барқарорлиги ва ҳаётлигини таъминлашнинг янги, тизимли механизмлари тизимли даражада шаклланади ва ривожланади.

Экотизимларнинг яшаш муҳитидаги ўзгаришларга мослашишининг бундай эволюцион механизмлари **экотизим адаптацияси** деб аталади.

## Назорат саволлари.

1. Экологик инновацияларга умумий тушунча беринг.
2. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишда инновацион технологиялар ва экологик новациялардан фойдаланиш бўйича мисоллар билан гапириб беринг .
3. “Яшил” технологияларни жорий этишда экологик таълимни роли нимада?
4. Экотизимларни барқарорлигини сақлашда инновацион экологик таълимнинг ўрни ҳақида гапириб беринг.
5. “Яшил” иқтисодиёт деганда нимани тушунасиш?

**2-мавзу: Барқарор тараққиёт учун таълимни экологик таълим жараёнига интеграциялашни ЮНЕСКО стратегияси асосида амалга ошириш.**

### РЕЖА:

- 1.1. Барқарор тараққиёт учун таълим.
- 1.2. Экологик таълим.
- 1.3. Экологик тарбия.
- 1.4. Экологик дунёқараш ва экологик маданият.
- 1.5. Экологик қадриятлар ва экологик тарғибот.
- 1.6. Экологик тарбиянинг асосий вазифалари.

*Таянич иборалар: Барқарор тараққиёт учун таълим. Экологик таълим. Экологик тарбия. Экологик маданият. Экологик дунёқараш. Динамик Концепция.*

### 1.1. Барқарор тараққиёт учун таълим.

Барқарор тараққиёт учун таълим – динамик концепция бўлиб, у ҳар қандай ёшдаги, ҳар қандай ижтимоий табақадаги инсонларнинг билим олиши



ва кўникмаларни эгаллаши орқали барқарор тараққиётнинг ўзаро боғлиқлигини тушинишни таъминлаш ва кенгайтириш мақсадларидаги таълим тизими, кадрлар таёрлаш, жамиятнинг ахборотлар билан таъминлашнинг барча жихатларини қамраб олади.


Барқарор тараққиёт учун таълимнинг асосий мақсади - олинган билимдан ҳаётда (амалиётда) тўлиқлигича фойдаланиш, билимнинг капиталлашуви, инновацияга айланиши ва пировардида барқарор ривожланишни (фаравонликни) локал, минтақавий ва глобал даражада амалга оширишдир.

**«Барқарор ривожланиш - бу келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш қобилиятига таҳдид солмайдиган ҳозирги замон эҳтиёжларини қаноатлантирувчи ривожланишдир».**



**Х. Брундтланд. Бизнинг умумий келажакимиз (50-бет)**





ЮНЕСКО дунё миқёсида Барқарор ривожланиш учун таълим (БРТ) бўйича етакчи агентлик сифатида тан олинган.

У Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш учун таълим декадасини (2005-2014) расмий равишда давом эттирадиган БРТ бўйича Глобал Ҳаракат Дастурини (ГХД) амалга оширишни мувофиқлаштиради.

Барқарор ривожланишга фақат технология, сиёсий тартибга солиш ёки молиявий механизмлар орқали эришиш мумкин эмас. Инсоният фикрлаш ва хулқ-атворини ўзгартириши керак.

Бу, ўз навбатида, ижтимоий шароитлардан қатъи назар, барча даражаларда барқарор ривожланиш учун сифатли таълим ва ўқитишни таъминлашни талаб қилади.

Барқарор тараққиёт учун таълим (БТТ) ҳозирги ва келажакдаги глобал муаммоларга конструктив ва ижодий ечимларни топишда, жамиятнинг барқарорлиги ва барқарорлигини оширишда ёрдам бериш учун ишлаб чиқилган. Барқарор ривожланиш бўйича Бутунжаҳон саммитида БМТ Бош

ассамблеяси 2005 йилдан бошлаб Барқарор ривожланиш учун ўн йиллик таълим эълон қилиш масаласини кўриб чиқишни тавсия қилди.

Барқарор тараққиёт учун таълим (БТТ) ҳозирги ва келажакдаги глобал муаммоларга конструктив ва ижодий ечимларни топишда, жамиятнинг барқарорлиги ва барқарорлигини оширишда ёрдам бериш учун ишлаб чиқилган. Барқарор ривожланиш бўйича Бутунжаҳон саммитида БМТ Бош ассамблеяси 2005 йилдан бошлаб Барқарор ривожланиш учун ўн йиллик таълим эълон қилиш масаласини кўриб чиқишни тавсия қилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан ЮНЕСКО ўн йилликни тарғиб қилиш ва Халқаро Амалга ошириш Режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича етакчи ташкилот сифатида белгиланган.

ЮНЕСКО, БМТнинг таълим бўйича етакчи ташкилоти сифатида таълим сифат стандартларини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди.

Барқарор ривожланиш мақсадларида ЮНЕСКО барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун зарур тузатишларни киритиб, дастурларини ушбу мақсадларга қайта йўналтириши керак.

Таълим сифатини ошириш ва унинг мақсадларини барқарор ривожланишга йўналтириш ЮНЕСКО ва бутун халқаро ҳамжамиятнинг энг устувор вазифаларидан бири бўлиши керак.

### **1.3. Экологик таълим.**

Экологик таълим - кишини ҳаёт ва меҳнат фаолиятига тайёрлаш учун унга тегишли, тизимлашган, муддатли экологик билим, кўникма, малака ва компетенция бериш воситаси.

Унинг мақсади – кишиларни, жумладан, Ўзбекистон фуқароларининг ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш учун уларга экологик билимларни бериш, уларда тегишли кўникмалар ва малакаларини ҳосил қилишдир.

«Экологик таълим» - узлуксиз ўқитиш жараёни бўлиб, атроф муҳитни

муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишга қаратилган махсус билимларга эга бўлиш, қадриятларни ва ҳуққ нормаларини шакллантириш , шу жумладан ўз-ўзини ўқитиш, тажриба орттириш ва шахсни ривожлантиришга қаратилган фаолиятдир.

Экологик таълим бу:

Экологик маданиятни шакллантириш элементи ;

Мактабгача таълим, ўрта таълим, профессионал ва олий профессионал таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, касбий таёргарлик ва малакани оширишни ўз ичига олган тизим.

## Экологическое образование

- процесс и результат усвоения систематических знаний, умений и навыков в области воздействия на окружающую среду, состояния окружающей среды и последствий изменения окружающей среды. (Термин введен на конференции, организованный Международным союзом охраны природы (МСОП) в 1970 г.)

Бунинг учун таълим олувчи:

- экология ва атроф-муҳтни муҳофаза қилишнинг замонавий илмий-назарий ва амалий асосларини билиши;
- экологик хавфсизликни таъминлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- олган билим ва кўникмаларни амалда қўллаш компетентлигини эгаллаш;
- экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг замонавий илмий-назарий ва амалий асосларини билиши;
- экологик хавфсизликни таъминлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- олган билим ва кўникмаларни амалда қўллаш компетентлигини эгаллаш;
- бошқаларни экологик талабларга риоя қилишини назорат қилиш (фуқаролик бурчини бажариш), жамоага етказиш, ташвиқот ва тарғибот қилиш малакаларини ҳосил қилиши керак.

*Экологик таълим ва тарбия орқали* кишилар, жумладан, ёшлар коинотдаги ягона ҳаёт мавжуд бўлган Ер сайёраси ҳақидаги тасаввурларга, ўз яшаш муҳити тўғрисидаги билимлар, атрофимиздаги олам, табиат ва инсонларни ўзаро узвий боғланганлик ҳақидаги илмий-назарий дунёқарашларга эга бўлиши, ўз ўлкаси ва ватанининг экологик тизимлари (экотизимлари), уларнинг пайдо бўлиши, эволюцион ривожланиши, антропоген ўзгариши, макон ва майдон бўйича тарқалиш қонуниятларини билиши керак бўлади.

**Экологик амалиёт** – юксак экологик маънавиятли ва маърифатли шахс имкониятини унинг ҳаёт ва меҳнат фаолиятида қўллаш олишнинг мотивацияланганлик даражаси. Яъни экологик онг ва маданиятни ҳаётининг фаолиятда нечоқлик зарур эканлигини ҳис этиш ва унинг ижобий натижаларидан баҳраманд бўла олиш шароитининг муайян маъмурий бошқарув бирликлар ёки иқтисодиёт тармоқлари доирасида яратилганлиги.

*Экологик таълим, тарбия ва амалиёт моҳияти* унинг уч йўналишидаги тадқиқот қилиш, ўргатиш ва амалга жорий этиш **предметида** ўз аксини топади:

- экотизимларни (табiiй ва антропоген ўзгарган) муҳофаза қилиш;

- экотизимларнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш;
- бузилган экотизимларни қайта тиклаш.

Ижтимоий-гуманитар таълим билан биргаликда ҳозирги пайтда экологик таълим аҳолининг янги экологик онгини ва маданиятини шакллантиришга қаратилгандир. Мамлакатни экологик инқироздан олиб чиқишга ва жамиятни барқарор тараққиёт йўлидаги ҳаракатига ёрдам берувчи кадриятларни, касбий билим ва кўникмаларни шакллантиришига ёрдам беради.

Турли хил мамлакатларнинг экологик таълим соҳасидаги ҳаракатларини БМТнинг таълим, фан ва маданият соҳасидаги ташкилоти муофиқлаштиради (ЮНЕСКО). Ф. Майор, айтганидек «... барча ўқув дастурлари марказига глобал экологик тарбияни қўймоқ керакдир: мактабгача ташкилотлардан тортиб, олий ўқув юртли ва кадрларни қайта таёрлаш тизимигача».

Ўзбекистон Республикасида "Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарори экологик таълимни ривожлантиришдаги муҳим қадамлардан бўлди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш.

#### **1.4. Экологик тарбия.**

**Ижтимоий-экологик тарбия.** Экологик онг ва маданият инсоннинг биологик яшаб қолиш асосини йўқ қилиб юборувчи глобал экологик инқироз ва глобал экологик офатдан холи қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Экологик онг ва экологик маданиятни пайдо бўлиши "жамиyat ва табиат" тизимида вужудга келаётган ҳозирги замон даъватларига бўлган ўзига хос жавоб ҳисобланиб, унинг олдиндан бўлиб келаётган хўжалик фаолиятини натижасидир.

Экологик тарбияни уч мустақил ташкил қилувчи йўналишларга бўлиш мумкин:

1. Экологик тарғибот йўналиши;
2. Экологик таълим йўналиши;
3. Экологик тарбия йўналиши.

Улар кенг маънода узлуксиз экологик тарбия жараёнинг маълум босқичи ҳисобланади.



### 1.5. Экологик дунёқараш ва экологик маданият.



**Дунёқараш.** Дунёқараш асосларини кераклича яратмасдан туриб, экологик тарбия самарали бўлиши мумкин эмас. Бунинг учун индивид экологик инқироз хавфини йўқотиш учун фаол бўлиши керак, чунки бундай дунёқараш унинг ички эҳтиёжларига айланмоғи, дунёнинг мазмуни, маъноси, табиат ва инсон, инсоннинг мақсадлари ва билиш чегаралари, атроф табиий дунёнинг ўзгариши, инсоннинг борлиги маъноси ҳақидаги саволларга илмий асосланган жавоб бермоғи керак бўлади.



## Экологическая культура включает

- знания в областях валеологии, как науки об индивидуальном здоровье человека, технологий формирования социальной и индивидуальной экологической культуры, экологического сознания, субъективного и субъектного отношения к природе, научно–медицинских основ экологической культуры человека и социально-медицинских вопросов здоровья

### 1.6. Экологик қадриятлар ва экологик тарғибот.

Экологик тарғибот йўналиши экологик тарбиянинг биринчи даражаси ҳисобланади. У инсон билан табиат ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги илқ билимларни шакллантиришга, атроф муҳитни инсон яшаши учун мос эканлигига, инсоннинг ҳўжалик фаолиятини атроф табиий муҳитга таъсири ҳақидаги билимларга қаратилган. Экологик тарғибот дунёқарашни асосини ва экологик онгни шакллантиришга қаратилган.

1. *ЮНЕСКОнинг вакили ролда.* Мавзу: “Экологик таълимни шаклланиши ва ривожланишида ЮНЕСКОнинг роли”

2. *ЮНЕПнинг вакили ролида.* Мавзу: “Тбилисида Экологик таълим бўйича Биринчи Жаҳон ҳукуматлараро конференциясини ўтказишда ЮНЕПнинг роли”
3. *Ўзбекистон Республикаси Экология қўмитаси вакили ролида.* Мавзу: Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида экологик таълим ва тарбия масалари.
4. *БМТ Бош котиби А. Гутерриш ролида.* Орол бўйида Қороқолпоғистон раҳбарияти билан учрашув.

Ушбу мавзулар бўйича чиқишларидан сўнг тингловчилар ўзаъро мулоқат ўтадилар, ЮНЕП-Ўзбекистон, ЮНЕСКО-ЮНЕП, Давлат экология қўмитаси- ЮНЕП ва ЮНЕСКО, БМТ-Ўзбекистон. Мулоқатлар икки ва уч томонлама бўлиши мумкин, алоҳида стол қўйилади, барча тингловчилар эшитиб ўтиради ва улар журналистлар ролин ўйнайдилар. Сухбат давомида экологик вазият вужудга келтириш ва улардан чиқишнинг инновацион йўллари биргаликда излаб топиш, бу ишларда ҳалқаро ташкилотларни ёрдами кўрсатилиб ўтилади.

**Сухбат давомида қуйдагилардан фойдалани мумкин:**

Ҳозирги замон ижтимоий-экологик тадқиқотлар инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларни кенг доирада ўз ичига олади. Шулардан айрим йўналишларини кўриб чиқамиз.

**Табиатшнослик йўналиши** инсоннинг биосферага антропоген ва техноген ҳарактердаги салбий таъсирлари оқибатларини бартараф қилиш ва олдини олишга қаратилгандир.

Аниқ экотизимларни ва умуман олганда глобал экотизимни деградацион ўзгаришлари, иқлим эволюцияси, биосфера ҳароратининг тебраниши, ифлосланишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, шунингдек инсон организмига таъсири билан боғлиқ бўлган амалдаги материаллар таҳлил қилинади.

Бундай йўналишлар доирасида табиатни муҳофаза қилиш фанининг

назарий-методологик ва амалий асослари яратилади, кенг маънода, айниқса билимлар комплекси сифатида қаралади  
нафақат табиий экотизимларни сақлаш, бор бўлган усимликлар ва хайвонлар, нодир ва қимматли турларни бойитиш ва кўпайтириш, илмий-амалий услублардан табиий ресурсларни қайта тиклаш жараёнида самарали фойдаланиш.

**Глобал йўналиш** экологик масалалар статусини ҳозирги замон экологик муаммолар тизими доирасида аниқлаштиради. Экологик масалаларнинг (муаммоларнинг) ўзаро боғлиқлигини аниқлаштиради, шу жумладан:

Биринчидан, жамиятнинг асосий ижтимоий-экологик муаммолари (тинчлик ва қуролсизланиш муаммолари, ижтимоий ривожланиш ва иқтисодий ўсиш);

**Прогностик (Башорат қилиш) йўналиши** ижтимоий-экологик жараёнлар доирасида устивор тенденцияларни аниқлашга қаратилган.

Гап нафақат жамият ва табиат ўзаро таъсири тизимида ҳозирги замон ҳолатни экстраполяция қилиш, балки ижтимоий-экологик ривожланишнинг прогнозлаштириш асосида ётган (яқин ва узоқ вақтларга мўлжалланган) тадбирларга баҳо бериш ҳисобланади

**Таълим ва тарбия йўналиши** атроф муҳит соҳасида таълим тизимининг мукамаллаштириш борасида назарий тадқиқотлар олиб бориш, соҳани ривожлантиришнинг амалий ечимларини ва тарғиб қилиш йўлларини излаб топиш.

Ижтимоий-экологик билимларнинг комплекс тизимини яратиш, ва бу ишларни аниқ таълим даражасида ишлаб чиқиш (болалар ўртасида экологик таълим тарбия, олий ўқув юртларида ўзига хос таълим тизимини яратиш, мутахассисларни экологик билимини ошириш, атроф муҳит бўйича ноформал таълим масалалари ва бошқалар.

**Инновацион технологиялар** ва экологик новациялардан кенг фойдаланиш; ижтимоий –экологик тенденцияларни башорат қилишда

математик ва компютерли моделлаштириш усулларида кенг фойдаланиш, глобал ва минтақавий мониторинг, ҳамда экологик индикаторлар тизимидан самарали фойдаланиш ва бошқалар. Булардан ташқари ЮНЕСКО ва ЮНЕП материаллари.

*Вазифа: Экологик таълимнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари.*

Экологик таълимни: Табиатшнослик йўналиши, Қадриятли, Илмий, Прогностик. Культурологик йўналишлар бўйича , ҳамда Тбилиси Декларациясини мазмуни бўйича қисқача реферат таёрлаш ва уларни экологик таълимга интеграциялаш масалаларини ёритиб бериш.

Шунингдек экологик таълимда хориж тажрибасидан фойдаланиш (Япония, АҚШ, Жанубий Корея, Россия).

### **Назорат саволари.**

1. Экологик муносабатлар деганда нималар тушунилади?
2. Экологик таълим мазмунида қайси жиҳатларни ажратиш мумкин?
3. Экологик таълим тамойилларини келтиринг.
4. Экологик таълим қайси педагогик функцияларга эга?
5. Назарий-методологик йўналиш ҳақида нималар биласиз?
6. Фаншunosлик, техник-технологик йўналишни мазмуни қандай?

### **4- амалий машғулот. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини экологик таълим жараёнида ёритиб бериш.**

*Машғулот усули:* Мисолларда ўқитиш. Ролли ўйин.

Бундай машғулотни ўтказишда реал ҳаётини вазиятлардан мисол олинади ва унинг тавсифи ҳақида ўйин иштирокчиларига тарқатилади. Иштирокчиларнинг вазифаси эса мазкур ҳолатдан чиқиб кетиш, алтернатив имкониятларни ифода этиш ва экологик қонунлардан фойдаланган ҳолда самарали йўллари аниқлаш. Иштирокчилар берилган топшириқни муҳофаза қиладилар, муаммоли масалаларни ҳал қилишни ўрганадилар, назарияни амалиёт билан боғлайдилар.

*Ишнинг мақсади:* . Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона



фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини экологик таълим жараёнида ёритиб бериш.

### ***Машгулотни олиб бориши:***

Экологик таълим соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг асосини "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида" ги қонун ташкил этади. Қонун экологик таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришни, таълимни ва экологик маданиятни шакллантиришни давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга ошириладиган мажбурий принцип сифатида белгилайди, атроф-муҳитга таъсир кўрсатадиган фаолиятни амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахслар иштирок этадилар.

Шундай қилиб, қонун чиқарувчи нафақат экологик таълим ва тарбиянинг мажбурий хусусиятини, балки унинг атроф-муҳитга таъсир қилиши мумкин бўлган фаолият билан боғлиқлигини ҳам белгилаб қўйилди. Қонунда атроф-муҳитга таъсир қилиши мумкин бўлган қарорларни қабул қилиш учун масъул бўлган ташкилотларнинг раҳбарлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик бўйича ўқитилиши кераклиги аниқ кўрсатилган.

Машгулотни «Экологик қонунчилик ҳақида нималар биласиз ва амалда қандай ишлатасиз?» деган савол билан бошламоқ мақсадга мувофиқ.

Экологик қонунчилик ҳақида тингловчилар таклиф қилаётган фикр ва мулоҳазаларни доскада ёзиб боринг. Кейин тингловчиларни кичик гуруҳларга (6-8 кишидан иборат бўлган) бўлиб чиқинг ва «Ким кўпирок экологик қонунларни билади ва мисоллар билан амалда ишлата олади» ўйинини тавсия этинг.

Аввалам бор **Экологик ва ҳуқуқий таълим** (ҳуқуқий экологик таълим) давлатнинг экологик функцияси сифатида табиий объектлардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятнинг мустақил йўналиши ҳисобланади. Тушунчасига изох беришдан бошланади, давлатнинг экологик функцияси таҳлил қилинади.

*Ҳар бир гуруҳ* фуқароларнинг экологик таълим олиш ҳуқуқи қайси қонунларда ифода этилганлигини аниқлаб берадилар. Экологик вазият вужудга келтиради ва ундан чиқишнинг қонуний механизмларини ишлатади. Масалан: шаҳарларимиз ва атроф муҳитнинг чиқиндилар билан ифлосланишининг олдини олиш, атмосфера ҳавосини ифлосланишини камайтириш, сувни тежаш, экотизимларга таъсирни камайтиришда қайси қонунлар амалда қўлланилади? Ҳар бир экологик омилга қонун механизмларини ишлатинг.

Экологик таълим соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг асоси Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида" ги қонунидир. Қонун экологик таълим тизимини ташкил этиш ва

ривожлантириш, таълим ва экологик маданиятни шакллантиришни давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга ошириладиган мажбурий тамойил сифатида белгилайди. Гуруҳлар ушбу тезисдан келиб чиқиб, бирорта давлат органи (Экология қўмитаси мисолида) кичик дастур ишлаб чиқиш тавсия этилади.

*Қўшимча материал.*

Ўзбекистонда табиатни бошқариш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви қонунчилиқ ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимига асосланади ва ушбу соҳадаги асосий қонун сифатида ишлайди. Табиатни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берган "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (09.12.1992).

Ушбу Қонун табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ижодкорлиги жараёнида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий устувор йўналишларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида" ги қонуни талаблари, унда белгиланган мақсад ва вазифаларни бажариб, республикада табиатни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солувчи 30 та қонун қабул қилинди ва амал қилмоқда.

*Масалан,* Ўзбекистон Республикасининг "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида", "Давлат санитария назорати тўғрисида", "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида", "Йёр қаъри тўғрисида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида", "Муҳофаза қилиш тўғрисида" ги қонунлари. Атмосфера ҳавоси ", "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида", "Ўрмон ўғрисида", "Чиқиндилар тўғрисида", " Экологик экспертиза тўғрисида", "Йёр кодекси "ва бошқалар.

Ушбу маълумотлардан фойдаланиб ролли ўйин ташкил қилинади.

*Ролли ўйин:* Экология қўмитасини *инспектори ролда* ариза бўйича экологик муаммоли корхонага келишингиз ва текшириш фаолияти ҳақида гапириб беринг, қандай экологик муаммолар бор, қайси қонунлар бузулган ва қанда чора кўрасиз?

*Корхона экология бўлимини бошлиғи ролда.* Инспекторни саволларига жавоблар, корхонани экологик сиёсати, шу жумладан экологик таълим ва тарбия масалалари бўйича қилинган ишлар ва бошқа тадбирлар. Текширув натижасида тузиладиган ҳужжат бўйича маълумот. Бошқа тингловчилар ролда ўйнаётганларга саволлар бериши мумкин. Натижада ушбу корхонада қайси қонунлар бажармаётганлиги аниқланади.

### **Назорат саволлари.**

1. Экологик ҳуқуқ –экологик таълимни ўрганиш объекти сифатида эканлигини ёритиб беринг.

2. Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги ва экологик таълимни ўрнини изохлаб беринг.
3. Аҳолининг экологик –ҳуқуқий маданиятини шаклланиши деганда нимани тушунаси?
4. Юксак маънавиятли шахс тарбияси: муаммо ва ечим.
5. Экологик ва ҳуқуқий тарбиянинг вазифаси нималардан иборат?
6. Технократизм тушунчасини маъноси?
7. Биосфера тафаккури- деганда нимани тушунаси?

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### **Мини-кейс.**

“Ёшлар ўртасида экологик таълим ва тарбия муаммолари ҳақида”

Ёшлар ўртасида экологик тарғибот ва ташвиқот ишлари ишлари етарлича эмас, матбуотда экологик маданиятга бағишланган информацион материаллар кам ёритилади. Маҳаллаларда экологик таълим тарбия ишлари, айниқса экологик қонунчиликка қаратилган тадбирлар кам ўтказилади.. Бу аудиториянинг фикри.

*Бу ҳолатни қандай қилиб тузатса бўлади? Таклифингизни беринг.*

### **Мини-кейс.**

“Атмосферага ташланадиган транспорт токсикантларини билиш ҳақида”  
Тошкент шаҳрида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кейинги вақтда аҳоли ўртасида аллергия ва токсико-аллергия касалликлар тез-тез учрамоқда. Айниқса айрим оғир металларни атмосфера ҳавосидаги миқдори нормадан ортиқ эканлиги кузатилмоқда.

*Бу ҳақда қандай фикрдасиз? Вазиятга баҳо беринг ва ундан чиқиш йўллари ҳақида нима дея оласиз?*

### **Мини-кейс.**

Аҳолини экологик билими ва маданиятини ошириш иссиқ иқлим шароитида нималарга қаратилиши керак, бу шароитда қайси экологик омиллар экотизимларга кўпроқ салбий таъсир кўрсатади?

*Фикрингизни аослаб беринг?*

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари:**

1. Экологик инновациялар ҳақида умумий тушунча.

2. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишда инновацион технологиялар ва экологик новациялардан фойдаланиш.

3. “Яшил” технологиялар ва экологик таълим.

4. Экотизимларни барқарорлигини сақлашда инновацион экологик таълимнинг ўрни.

5. Экологиянинг предмети ва вазифаларини экологик таълимда ёритилиши.

6. Экотизимлар ҳақида тушунча ва унинг экологик таълимдаги аҳамияти.

7. Экологик таълим ва тарбия орқали билиш керак бўлган асосий экологик омиллар.

8. Экологик таълим тарбиянинг методологик асослари ва аҳамияти.

9. Барқарор тараққиёти учун таълим.

10. Экологик маданият.

11. Экологик таълимнинг асосий йўналишлари ва принциплари.

12. Узлуксиз экологик таълим.

13. Экологик тарбия ва уни шакиллантиришда жамоат ташкилотларининг роли.

14. Экологик таълимда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини ўрни.

15. Экологик таълим ва тарбиянинг шаклланиш ва ривожланиш таърихи.

16. Экологик ҳуқуқ ва унинг экологик таълим тизимидаги ўрни.

17. Экологик таълимда жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини роли.

18. Экологик таълим ва тарбиянинг долзарб масалалари.
19. XX1 асирда экологик таълимнинг роли ва ўрни.
20. Экология ва бугунги кун таълимидаги экологик муаммолар.
21. Экологик таълим ва тарбияда инновацион педогогик технологияларнинг роли.
22. Қишлоқ аҳолисини экологик маданиятини оширишда ўз-ўзини бошқариш органларини роли.
23. Табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишда экологик қонунчиликнинг ахамияти.
24. Талабаларнинг экологик маданиятини оширишда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг роли.

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Абиотик муҳит</b>	<b>Abiotic environment</b>	<b>Абиотическая среда</b>	[юн. а – инкор маъноси, bios – ҳаёт] – 1) тирик организмларни ўраб турган нотирик жисмлардан иборат муҳити; 2) тирик организмларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари.
<b>Абиотик омил</b>	<b>Abiotic factor</b>	<b>Абиотический фактор</b>	[лот. factor – қилаётган, ишлаб чиқараётган] – муҳитнинг физик ва кимёвий шароитларининг организмга (организмларга) кўрсатаётган таъсири.
<b>Агроценоз</b>	<b>Agrocenosis</b>	<b>Агроценоз</b>	(агроекотизим) –асосий функциялари (энг аввал маҳсулдорлик) агрономик тадбирлар (ерни шудгорлаш, унга ўғит, захарли кимёвий моддалар солиш ва ҳ.к.) йўли билан таъминлаб туриладиган сунъий экотизим (биогеоценоз). Табиий биогеоценозлардан содалиги ва одатда, маданий ўсимликлар устуворлиги билан ажралиб туради. А. инсон фаолиятисиз тезда емирилиб, табиий ҳолатига қайтади.
<b>Антропоген ландшафт</b>	<b>Anthropogenous landscape</b>	<b>Антропогенный ландшафт</b>	Хусусиятлари инсон фаолиятига боғлиқ бўлган ландшафт. Мақсадли ёки аввалдан мўлжалланмаган ўзгаришларига кўра атайин ўзгартирилган ва бехосдан ўзгарган ландшафтларга фарқланади (иккинчиси баъзан “антропоик ландшафт” номи билан юритилади). Булардан ташқари, маданий ландшафтлар (ўз эҳтиёжларини қондириш учун инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли онгли равишда ўзгартирилган ва керакли ҳолатда сақлаб туриладиган) ва нораціонал фаолият ёки қўшни ландшафтларнинг номақбул таъсири остида пайдо бўлган номаданий ландшафтлар мавжуддир (таназзулга юз тутган ландшафт бу қаторда энг охириги ўринни эгаллайди).
<b>Антропоген омил</b>	<b>Anthropogenous factor</b>	<b>Антропогенный фактор</b>	Инсон ва унинг фаолияти томонидан организмларга, биогеоценоз, ландшафт, биосферага кўрсатиладиган таъсир.
<b>Антропоген, антропоген тизим</b>	<b>Anthropogenous, anthropogenous system</b>	<b>Антропогенная система</b>	[юн. anthropos – инсон ва genos – туғилиш] – Ернинг геологик тарихининг ҳозиргача давом этаётган, давомийлиги ҳар хил маълумотларга кўра 600 минг йилдан 3,5 млн. йилгача бўлган охириги даврларидан бири; плейстоценга (одам пайдо бўлиши даври) ва голоценга (муз даври тугашидан ҳозиргача бўлган давр) бўлинади.
<b>Арид иқлими</b>	<b>Arid climate</b>	<b>Аридный климат</b>	[лот. aridus – қуруқ] – атмосфера намлиги паст, ҳаво ҳарорати эса баланд ва сутка давомида катта тебранишларга монанд қурғоқчил ҳудудлар иқлими.
<b>Аркологи (экологик меъморчилик)</b>	<b>Arcology (architecture ecological)</b>	<b>Архитектура экологическая)</b>	Меъморчиликнинг инсоннинг ижтимоий ва экологик эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда “ёввойи табиат”ни асраб қолувчи турар жойларни барпо этиш, ҳамда уларни оптимал равишда сунъий экинзорлар



			ва турли меъморий шакллар билан тўлдириш усулларини ишлаб чикувчи йўналишларидан (бўлимларидан) бири.
<b>Атмосфера</b>	<b>Atmosphere</b>	<b>Атмосфера</b>	[юн. atmos – буғ ва sphere – шар] – ер ва бошқа фазовий жисмларнинг газсимон қобиғи. Ер юзасида у асосан азот (78,08%), кислород (20,95%), аргон (0,93%) сув буғи (0,2-2,6%), карбонат ангидрид газидан (0,03%) ташкил топган.
<b>Атроф (инсонни қамраган) муҳит</b>	<b>Environmental conditions (surrounding humans)</b>	<b>Окружающая среда (человека)</b>	Одамларга ва уларнинг хўжалигига биргаликда ва бевосита таъсир этувчи абиотик, биотик ва ижтимоий муҳитлар мажмуаси. <b>А.м.</b> тушунчаси атроф табиий муҳит тушунчасидан бирмунча кенгрокдир, чунки у ўз ичига ижтимоий ҳамда техноген муҳитларни (уйлар, корхоналар, йўллар ва ш.ў.) ҳам қамраб олган тушунчадир.
<b>Атроф-муҳит ҳарорати</b>	<b>Ambient temperature</b>	<b>Температура окружающей среды</b>	Атрофдаги ҳаво ёки бошқа муҳитнинг ҳарорати.
<b>Атроф-муҳит шароитини яхшилаш (тиклаш)</b>	<b>Improvement (recovery) of the environment</b>	<b>Улучшение (восстановление) окружающей среды</b>	Атроф-муҳитнинг юқориқ энергетик даражага ўтиши, автохтон ривожланиш ёки инсон фаолияти натижасида муҳит сифатининг яхшиланиши.
<b>Атроф-муҳитга кўрсатилаётган таъсир (атроф-муҳитга кўрсатилаётган салбий антропоген таъсир)</b>	<b>Environmental impact (negative anthropogenic environmental impact)</b>	<b>Воздействие на окружающую среду (отрицательное антропогенное воздействие на окружающую среду)</b>	Атроф-муҳитда бевосита пайдо бўладиган ёки антропоген фаолиятни режалаштириш натижасида содир бўладиган ва атроф-муҳитда салбий ўзгариш ва оқибатларга олиб келадиган ҳар қандай модда, энергия ва маълумотлар оқимлари.
<b>Атроф-муҳитга кўрсатилаётган таъсирнинг тавсифи</b>	<b>Characteristics of the environmental impact</b>	<b>Характеристика воздействия на окружающую среду</b>	Таъсирнинг маълум турлари ва омили ҳамда улар учун ўрнатилган лимит ва меъёрлар қийматларини ўз ичига олган сифат ва миқдор кўрсаткичлари.
<b>Атроф-муҳитга келтирилган зарар ёки экологик зарар</b>	<b>Harm to the environment or damage ecological</b>	<b>Вред окружающей среде или вред экологический</b>	Атроф-муҳитдаги антропоген фаолият, атроф-муҳитга кўрсатилаётган таъсир, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиий ресурсларнинг камайиб кетиши, экотизимларнинг бузилиши натижасида юзага келган ва инсон саломатлигига, моддий бойликларга аниқ таҳдид солувчи салбий ўзгаришлар.
<b>Атроф-</b>	<b>Factor of the</b>	<b>Фактор</b>	Атроф-муҳитнинг салбий ўзгариши ва шунга ўхшаш

муҳитга таъсир қилувчи омил	environmental impact	воздействия на окружающую среду	оқибатларга олиб келувчи ҳар бир таъсир ёки унинг таркибий қисми (элементи).
Атроф-муҳитга таъсир қилувчи манба	Source of the environmental impact	Источник воздействия на окружающую среду	Фазовий чегараланган ва атроф-муҳитга ўтказилувчи таъсирнинг барча тавсифи тегишли бўлган ҳудуд.
Атроф-муҳитни назорат қилиш	Environmental control	Контроль за окружающей средой	Инсон ва биота учун энг муҳим ва асосий бўлган атроф-муҳит компонентларининг ҳолати ва уларнинг ўзгариши устидан назорат қилиш.
Атроф-муҳитнинг ифлосланиши	Environmental contamination	Загрязнение окружающей среды	Тавсифи, жойлашган ери ёки миқдorigа кўра атроф-муҳит ҳолатига салбий таъсир қиладиган моддаларнинг атроф-муҳитда мавжудлиги.
Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш	Environmental protection	Охрана окружающей природной среды	Табиий бойликларни сақлаш ва улардан унумли, оқилона фойдаланишга асосланган жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган давлат ва жамият томонидан олиб бориладиган тадбирлар тизими.
Ахлатхона (чиқиндих она)	Dump	Свалка	Ифлосланишни назорат қиладиган махсус қурилмаларсиз қаттиқ чиқиндиларни ташлаш учун қўлланиладиган ҳудуд.
Биоген модда	Biogenic matter	Биогенное вещество	Организмлар ҳаётининг фаолияти натижасида вужудга келган кимёвий бирикма (лекин айнан шу вақтнинг ўзида уларнинг жисми таркибида бўлмаслиги ҳам мумкин).
Биогенез	Biogenesis	Биогенез	[юн. bios – ҳаёт ва genes – туғилган] – тирик организмлар томонидан органик бирикмаларни ҳосил қилиш жараёни. <b>Б.</b> назарияси ердаги ҳаёт тирик мавжудотларнинг нотирик материядан пайдо бўлиши натижасида вужудга келганлигини инкор қилади; <b>Б.</b> тўғрисидаги тасаввурлар асосида тирикликнинг нотириклик билан қарама-қаршилиги ва ҳаётнинг абадийлиги ғояси ётади. Так. Абиогенез.
Биогеоценоз			
Биомасса	Biomass	Биомасса	[юн. bios – ҳаёт, massa – қуйма, палахса, парча] – фаол тирик модданинг майдон ёки ҳажм бирлигига нисбат миқдори; масса бирлигида ифодаланади.
Биота	Biota	Биота	[юн. biote – ҳаёт] – организмларнинг тарқалиш минтақаси умумийлиги туфайли бирлашиб, тарихан

			шаклланган туркуми.
		<b>Биотоп</b>	
<b>Биоценоз</b>	<b>Biocenosis</b>	<b>Биоценоз</b>	[юн. bios – ҳаёт, koinos – умумий] – ўсимликлар, замбуруғлар, ҳайвон ва микроорганизмларнинг ўзига хос таркибга ҳамда ўзаро ва атроф-муҳит билан бўлган муносабатларга эга мажмуаси. Атама К.Мёбиус томонидан 1877 й. киритилган. Одатда, <b>Б.</b> бир биогеоценоз ва бир биотопга тегишлилиги назарда тутилади.
<b>Глобал ифлосланиш</b>	<b>Global contaminati on</b>	<b>Глобальное загрязнение</b>	Ифлосланиш манбаидан жуда узоқ масофада, сайёранинг деярли барча нукталарида аён бўлувчи атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши. Ҳаво муҳитига хос.
<b>Грунт</b>	<b>Ground</b>	<b>Грунт</b>	[нем. grund – тупроқ, асос] – табиий жойлашишига кўра муҳандис-қурилиш фаолияти объекти ва тупроқшуносликда изланиш (мустаҳкамлиги, пластиклиги, таркиби ва б. хоссаларини ўрганиш) предмети бўлмиш тоғ жинсларининг йиғма номи.
<b>Гумус, гумус моддалар</b>	<b>Humus, humus substances</b>	<b>Гумус, гумусовые вещества</b>	Тупроқдаги тўқимали тузилишини йўқотмаган, лекин тирик организмлар ва уларнинг қолдиқлари таркибига кирмайдиган барча органик бирикмалар йиғиндиси.
<b>Дренаж</b>	<b>Drain</b>	<b>Дренаж</b>	[ингл. drain – қуришиш] – ортикча намланган ерларни сувни махсус зовур ва ер ости қувурлари – дренажлар ёрдамида бошқа жойга оқизиш йўли билан қуришиш усули.
<b>Ер</b>	<b>Earth</b>	<b>Земля</b>	Фазовий жисм, Қуёш тизимидаги сайёралардан бири, органик ва ноорганик материя бирлиги, инсон популяцияси рўй берадиган жой ва ижтимоий ҳаёт фаолиятининг макон асоси, ҳаёт воситалари ва ресурсларини қамраган, табиий технологиялар, флора ва фаунани ўз ичига олган, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида меҳнат предмети ва ишлаб чиқариш воситаси. Макон, рельеф, иқлим, тупроқ қоплами, ўсимликлар, ер ости бойликлари, захиралар, сув билан тавсифланади.
<b>Ер ресурслари</b>	<b>Land resources</b>	<b>Земельные ресурсы</b>	Табиий ресурсларнинг асосий турларидан бири – ишлаб чиқариш воситалари ва жамиятнинг турли хўжалик эҳтиёжларини қондириш манбаи сифатида фойдаланилаётган, ёки фойдаланилиши мумкин бўлган ер массивларининг йиғиндиси.
<b>Ифлосланиш</b>	<b>Contaminati on</b>	<b>Загрязнение</b>	Сув, ҳаво ва тупроққа кейинчалик фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келтирадиган концентрацияда микроорганизмлар, кимё моддалари, захарловчи моддалар, чиқитлар ёки оқава сувларни қўшиш.

<b>Иқлим</b>	<b>Climate</b>	<b>Климат</b>	Об-ҳавонинг маълум жой учун унинг жуғрофий ўрни билан белгиланадиган кўп йиллик статистик режими.
<b>Кам чикитли технологиялар</b>	<b>Low-waste technologies</b>	<b>Малоотходные технологии</b>	Атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддаларни маълум минимал миқдоргача камайтирувчи технологик операциялар (ишлаб чиқариш)нинг мажмуаси.
<b>Ландшафт экологияси</b>	<b>Landscape ecology</b>	<b>Ландшафтная экология</b>	ландшафтларни ўсимликлар ва муҳит ўртасидаги экологик муносабатларни таҳлил қилиш йўли билан, табиий мажмуаларнинг тузилиши ва фаолиятини топологик миқёсда, табиий мажмуалар таркибий қисмларининг ўзаро муносабатлари ҳамда жамиятнинг ландшафтлар табиий таркибий қисмига кўрсатилаётган таъсирни модда ва энергия баланслари орқали таҳлил қилиш йўли билан ўрганадиган илмий йўналиш.
<b>Литосфера</b>	<b>Lithosphere</b>	<b>Литосфера</b>	[юн. lithos – тош ва sphaire – шар] – ернинг юқори “қаттиқ” қобиғи. Юзига ер қобиғи ва ер мантиясининг юқори қисмини қамраб олади. <b>Л.</b> қалинлиги 50-200 км ни ташкил қилади.
<b>Моддаларнинг биологик айланиши (кичик доира)</b>	<b>Biological turnover of matters (small turnover)</b>	<b>Биологический круговорот веществ (малый к.в.)</b>	Кимёвий элементларнинг тупроқ ва атмосферадан тирик организмларга уларнинг кимёвий шаклини ўзгартириб кириши, сўнг тупроқ ва атмосферага организмларнинг ҳаётий фаолияти жараёнида ва кейинчалик ўлганидан кейинги қолдиқлар билан қайтиши, ҳамда микроорганизмлар ёрдамида деструкция жараёнлари ва минераллашишидан кейин яна тирик организмларга қайтиши. <b>М.б.а.</b> бундай таърифи биогеоценотик даражага мувофиқ келади.
<b>Муҳандислик экологияси</b>	<b>Engineering ecology</b>	<b>Инженерная экология</b>	Саноат экологиясининг атроф-муҳитга кўрсатилаётган таъсирни мувофиқлаштириш, ш.ж. оқова сувларни ва чиқиб кетаётган газларни тозалаш, чиқиндиларни рециклаштириш, рекуперациялаш, тартибли жойлаштириш ва чиқариб ташлашнинг техник ва технологик усуллари ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш билан боғлиқ қисми.
<b>Ноосфера</b>	<b>Noosphere</b>	<b>Ноосфера</b>	[юн. noos –ақл] – ақл-идрок сфераси. Иборанинг замонавий талқини 1931 йилда В.И.Вернадский томонидан биосфера эволюциясининг босқичи, унинг тараққиётидаги жамиятнинг онгли фаолиятининг етакчи ролини ифодалаш учун киритилган.
<b>Оқова сувлар (оқовалар)</b>	<b>Waste waters</b>	<b>Воды сточные</b>	Маиший мақсадларда ёки ишлаб чиқаришда қўлланилган ва бунинг натижасида таркибига турли аралашмалар қўшилган ҳамда бирламчи кимёвий

			ёки физик хусусиятлари ўзгарган сувлар; турар-жой пунктлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари худудларидан ёгин-сочин, ерларни суғориш ёки кўчаларга сув сепиш натижасида оқиб чиқадиган сувларга ҳам <b>О.с.</b> дейилади; <b>О.с.</b> асосан уч турга бўлинади: маиший (хўжалик-фекал) оқовалар, ишлаб чиқариш оқовалари, қор эриши ва жала (ёмғир) оқовалари.
<b>Популяция</b>	<b>Population</b>	<b>Популяция</b>	[фр. population – аҳоли] – маълум худудни эгаллаган, узок муддат мобайнида (бир неча ўнлаб авлодлар давомида) ўзидан кўпайиши орқали насл-насабини барқарор сақлаб қолишга қодир бўлган бир турга мансуб зотлар йиғиндиси; маълум худудни эгаллаган ва умумий генофондга эга бўлган бир турга мансуб зотлар йиғиндиси.
<b>Рекультивация /рециркуляция</b>	<b>Reclamation</b>	<b>Рекультивация /рециркуляция</b>	Бўш ерлар, ифлосланган саноат майдонлари ва ҳоказоларни фойдаланиш, хусусан, уй-жой қурилиши, боғлар яратиш, деҳқончилик учун яроқли ерларга айлантириш. Чикиндилар билан ишлашга нисбатан “рециркуляция” атамаси чикиндиларни фойдали маҳсулотларга қайта ишлашни англатади; ушбу атама чикиндиларни утилизациялаш соҳасида қўлланади.
<b>Саноат чикиндилари</b>	<b>Industrial wastes</b>	<b>Промышленные отходы</b>	Ишлаб чиқариш жараёни натижасида олинган ёки чиқарилган кераксиз материаллар. Саноат чикитлари суюқ чикитлар, балчиқ, қаттиқ ва хавфли чикиндилар сингари тоифаларга ажратилади.
<b>Табий ресурслар</b>	<b>Natural resources</b>	<b>Природные ресурсы</b>	[фр. ressource – восита, захира] – инсон эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қиладиган табиат бойликлари, захиралари, манбалари.
<b>Чикитсиз технологиялар</b>	<b>Wasteless technologies ('know-how')</b>	<b>Безотходные технологии</b>	Ифлослантирувчи моддаларни атроф-муҳитнинг ёмонлашувига (ландшафтлар таназзули, худуднинг табиий ресурс потенциалининг пасайиб кетиши, аҳоли ҳаёт шароитларининг ёмонлашиши ва ҳ.к.) олиб келадиган ҳажмларда чиқаришни истисно қилувчи технологик операциялар (ишлаб чиқариш) мажмуи. Одатда <b>Ч.т.</b> атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ёки уни тиклаш учун қўшимча маблағ талаб қилмайди.
<b>Экологик назорат (кузатув)</b>	<b>Supervision ecological</b>	<b>Надзор экологический</b>	Ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган экологик меъёр ва қоидаларга риоя қилишни назорат қилиш.
<b>Экологик тоза маҳсулот</b>	<b>Wholefood</b>	<b>Продукт экологический и чистый</b>	Тегишли экологик сертификатида белгилаб қўйилган талаб ва шартларига тўла-тўқис жавоб берадиган маҳсулот.
<b>Экологик барқарор тараққиёт</b>	<b>Ecologically sustainable development</b>	<b>Экологическое и устойчивое развитие</b>	Келгуси авлодлар учун зарар келтирмаган ҳолда инсоният ўз эҳтиёжларини қондириб тараққий этиши. <b>Э.б.т.</b> концепцияси инсониятнинг узок муддатли

			тараққиётининг замини бўлиб, унинг капитал маблағларини ошишига ва экологик шароитнинг яхшиланишига туртки бўлади.
<b>Экотизим</b>	<b>Ecosystem</b>	<b>Экосистема</b>	А.Тенсли томонидан киритилган бўлиб, у таркибидаги организм ва анорганик омиллар тенг ҳуқуқли компонентлар бўлмиш динамик мувозанатдаги нисбатан барқарор тизимни ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудотлар жамоалари ва уларнинг яшаш муҳитини ўз ичига қамраб олган функционал тизимга экотизим дейилади.

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз



малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30-сентябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сонли Фармони.

19. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 2001. – № 1–2. – 18-модда.

20. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. -1998. -№1. -14-модда.

21. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. - 2002. № 4-5. - 68-модда.

22. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида»ги қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 688-модда.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

23. By Roland W. Scholz. Environmental Literacy in Science and Society: From Knowledge to Decisions. Cambridge University. Press: New York, USA, 2011; Hardback, 631 pp; ISBN 978-0-521-19271-2; Paperback, ISBN 978-0-521-18333-8.

24. Calado, F.M.; Scharfenberg, F.-J.; Bogner, F.X. To What Extent do Biology Textbooks Contribute to Scientific Literacy? Criteria for Analysing Science-Technology-Society-Environment Issues. Educ. Sci. Press: New York, USA, 2015.

25. Dafijs M. Dziuda/ Data mining for genomics and proteomics. Canada, 2010. ps-306.

26. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.

27. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
28. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
29. H.Q. Mitchell, MarileniMalkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
30. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
31. Martin Kranert, Klaus Cord-Landwehr (Hrsg.) Einführung in die Abfallwirtschaft. 4., vollständig aktualisierte und erweiterte Auflage Mit 297 Abbildungen und 131 Tabellen. Germany, 2010.
32. Rediscovering Biology Online Textbook. Unit 2 Proteins and Proteomics. 1997-2006.
33. Sattorov Z.M. Ecologiya. – T.: Sano-standart, 2018. – 362 b.
34. Sattorov Z.M. Qurilishecologiyasi. – T.: Sano-standart, 2017. – 364 b.
35. Stevanovic, M. Digital media in education system-review of international practice. Models of creative teaching. R&S, Tuzla. Available from <http://infoz.ffzg.hrINFuture>. New York, USA, 2011.
36. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
37. Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999.
38. Twyman RM (2004). Principles of Proteomics (Advanced Text Series). Oxford, UK: BIOS Scientific Publishers. ISBN 1-85996-273-4.
39. W. Dubitzky, M. Granzow, D/ Berrar/Fundamentals of data mining in genomics and proteomics. New York, USA, 2007, ph -275.
40. Yormatova D. Sanoat ekologiyasi. – T.: 2007. – 256 b.
41. А.Э.Эргашев. Ҳозирги замоннинг экологик муаммолари ва табиат муҳофазаси. Тошкент 2012 й. 403 б.
42. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
43. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
44. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е.Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
45. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
46. Муслимов Н.Ава бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
47. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова; М-во образования и науки РФ; ФГАОУ ВО «УрФУ им. первого Президента России Б.Н.Ельцина», Нижнетагил. технол. ин-т (фил.). – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.

48. Олийтаълим тизими рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)

49. Пачаури Р.К., Мейер Л.А. Иқлим ўзгариши, 2014 йил. Иқлим ўзгариши бўйича Ҳукуматларaro экспертлар гуруҳининг умумлаштирилган маърузаси. Женева, Швейцария, 2015 йил, 163 б.

50. Смоляр, И. М. Экологические основы архитектурного проектирования: учебное пособие / И. М. Смоляр, Е. М. Микулина, Н. Г. Благовидова. – Москва : Академия, 2010. – 157 с.

51. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бугакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.

52. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.

53. Шадиметов Ю. Ш. Экология. Учебник для вузов. 2016 й. 416 с.

54. Шадиметов Ю.Ш. Ижтимоий экология. Дарслик. Олий ўқув юртлари учун. (Тўлдирилган ва қайта ишланган.) 2016 й. 556 б.

55. Эгамбердиев Р., Рахимова Т., Аллабердиев Р. Экология. Тошкент. Университет нашриёти. 2019 й. 254 б.

#### **IV. Интернет сайтлар**

56. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

57. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

58. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

59. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet

60. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

61. [www.uznature.uz](http://www.uznature.uz)

62. [www.uzgeolcom.uz](http://www.uzgeolcom.uz)

63. [www.ygk.uz](http://www.ygk.uz)

64. [www.ecovestnik.ru](http://www.ecovestnik.ru)